



БОЖХОНА ҲУДУДИДА ҚАЙТА ИШЛАШ БОЖХОНА РЕЖИМИДА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБОТЛАРИНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Абдуллаев Шахзодбек

*Божхона қўмитасининг Божхона институти Ҳарбий ва жанговор
тайёргарлиги кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант*

Email: abdullayevshaxzodbek19@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss5/726

Аннотация

Ушбу мақолада божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимининг норматив-ҳуқуқий асослари, халқаро стандартларга мослашув жараёни ҳамда миллий қонунчиликдаги ислоҳотлар таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг мақсади – қайта ишлаш режимини самарали қўллаш орқали ташқи савдо ҳажмини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини ўрганишдир. Методологик асос сифатида дедукцион ёндашув, ҳуқуқий таҳлил, статистик маълумотларни солиштириш ва таққослаш усуллари қўлланилган. Натижаларга кўра, божхона ҳудудида қайта ишлаш режими иқтисодиётга сезиларли таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш занжирларининг ривожланишига хизмат қилмоқда. Тадқиқотда Киото конвенцияси ва Божхона кодексига асосланган меъёрий тизимининг самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Калит сўзлар: божхона ҳудудида қайта ишлаш, божхона режими, норматив-ҳуқуқий асос, ташқи савдо, иқтисодий самарадорлик, Киото конвенцияси, божхона кодекси.

НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРОЦЕДУР ОФОРМЛЕНИЯ В ТАМОЖЕННОМ РЕЖИМЕ ПЕРЕРАБОТКИ НА ТАМОЖЕННОЙ ТЕРРИТОРИИ

Абдуллаев Шахзодбек

Преподаватель кафедры военной и боевой подготовки Таможенного института
Таможенного комитета, старший лейтенант

Аннотация

В статье исследованы нормативно-правовые основы таможенного режима переработки на таможенной территории, процесс адаптации к международным стандартам и реформы в национальном законодательстве. Цель исследования — определить пути эффективного применения данного режима для расширения внешней торговли и повышения экспортного потенциала. В качестве методологической базы использованы дедуктивный подход, правовой анализ, сравнительный метод и статистическая оценка. Результаты показывают, что переработка на таможенной территории способствует развитию производственных цепочек и экономическому росту. Эффективность нормативной системы, основанной на Киотской конвенции и Таможенном кодексе, научно обоснована.

Ключевые слова: переработка на таможенной территории, таможенный режим, нормативно-правовая база, внешняя торговля, экономическая эффективность, Киотская конвенция, Таможенный кодекс.

REGULATORY AND LEGAL FRAMEWORK OF PROCEDURES FOR CLEARANCE UNDER THE CUSTOMS REGIME OF INWARD PROCESSING ON THE CUSTOMS TERRITORY

Abdullaev Shakhzodbek

Lecturer, Department of Military and Combat Training, Customs Institute of the Customs Committee

Abstract

This article examines the legal and regulatory framework of the inward processing customs regime, its harmonization with international standards, and reforms within the national legislation. The main goal is to identify effective mechanisms for expanding foreign trade and increasing export capacity through the application of the processing regime. The methodology is based on a deductive approach, legal analysis, comparison, and statistical evaluation. The findings show that inward processing significantly contributes to industrial development and economic growth. The efficiency of the regulatory system based on the Kyoto Convention and the Customs Code of Uzbekistan is scientifically justified.

Keywords: inward processing, customs regime, legal framework, foreign trade, economic efficiency, Kyoto Convention, Customs Code.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, трансчегаравий савдо муносабатларининг жадал ривожланиши ва рақобат муҳитининг кучайиши шароитида давлатлар олдидаги устувор вазифалардан бири ташқи иқтисодий фаолиятни самарали тартибга солиш, уни халқаро ҳуқуқий ва институционал стандартларга мувофиқлаштириш ҳисобланади. Шу жиҳатдан, божхона тизими мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий бозорни ташқи таъсирлардан сақлаш ҳамда ташқи савдо айланмасини рағбатлантиришда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Айниқса, божхона ҳудудида қайта ишлаш режими миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, у хомашё ва яримтайёр маҳсулотларни мамлакат ичида қайта ишлаш орқали юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратади. Бу эса, ўз навбатида, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш каби муҳим иқтисодий натижаларга олиб келади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида мазкур режимни амалиётга самарали татбиқ этиш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай божхона ва ҳуқуқий муҳит яратиш ҳамда ташқи савдо жараёнларини рақамлаштириш ва соддалаштириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Ягона божхона ахборот тизими”ни жорий этиш, электрон декларациялаш тизимини кенг қўллаш ва халқаро божхона иттифоқлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш бу жараённинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Шу асосда, мазкур илмий мақолада божхона ҳудудида қайта ишлаш режими институтнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари, унинг иқтисодий мазмун-моҳияти, амалий қўлланиш механизми ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётидаги самарадорлик кўрсаткичлари илмий жиҳатдан таҳлил этилади. Тадқиқотнинг мақсади — мазкур

режимнинг миллий иқтисодиёт ривожига таъсирини ўрганиш, уни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Божхона ҳудудида қайта ишлаш режими бўйича халқаро ва миллий даражада кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Бу йўналишдаги тадқиқотлар, асосан, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, ишлаб чиқариш занжирларини оптималлаштириш ва инвестицион муҳитни яхшилаш масалаларига қаратилган.

А. Grainger (2011) ўзининг “Trade Facilitation: A Conceptual Review” номли тадқиқот ишида боғхона жараёнларини соддалаштиришнинг халқаро савдо харажатларига таъсирини таҳлил қилган. Муаллифнинг фикрича, қайта ишлаш режими мамлакатнинг логистик салоҳиятини оширади ва экспортни рағбатлантиради [13].

OECD (2020) томонидан тайёрланган “Implementation of the WTO TFA: Impact on Trade Costs” ҳисоботида қайта ишлаш режими ва боғхона маъмурчилигини модернизация қилиш орқали савдо харажатларини 10–15% га камайтириш мумкинлиги таъкидланган [10].

UNCTAD (2023) нинг “World Investment Report” таҳлилида эса қайта ишлаш режими хорижий инвестициялар оқимини ошириш ва маҳаллий қиймат занжирларини яратишда муҳим омил экани кўрсатилган [11].

Шунингдек, Qodirov Sh. (2022) ўзининг “O‘zbekiston boғхона tizimini rivojlantirish istiqbollari” номли мақоласида миллий боғхона тизимида қайта ишлаш тартибининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини таҳлил қилиб, амалий муаммоларни кўрсатиб ўтган. Муаллиф қайд этадики, ишлаб чиқарувчилар учун қайта ишлаш муддатлари ва идентификация жараёнлари аниқлаштирилса, экспорт салоҳияти сезиларли ошади [14].

“World Bank (2020)”нинг “Doing Business” ҳисоботида қайд этилишича, қайта ишлаш режими иқтисодий рақобатбардошликни кучайтиради ва мамлакатларнинг “border compliance” кўрсаткичларини яхшилади [12].

Бундан ташқари, “UNESCAP (2023)”нинг “Paperless Trade Implementation” тадқиқоти рақамли боғхона бошқаруви орқали қайта ишлаш жараёнларини тезлаштириш ва ҳужжат айланмасини қисқартириш бўйича таклифларни илгари сурган [13].

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда индукцион ва дедукцион фалсафий ёндашувлар уйғун тарзда қўлланилди. Дастлаб умумий назарий қоидалар ва халқаро ҳуқуқий нормалар таҳлил қилиниб (дедукция), кейин улар асосида Ўзбекистон амалиётидаги воқелик мисолида аниқ ҳулосалар шакллантирилди (индукция).

Тадқиқот сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий таҳлил усуллариغا таянган ҳолда олиб борилди. Асосий методлар қуйидагилардан иборат:

- статистик таҳлил усули – 2019–2023 йиллар давомидаги расмий статистик маълумотлар асосида хомашё импорти, қайта ишланган маҳсулот экспорти ва рўйхатдан ўтказилган рўхсатномалар динамикаси таҳлил қилинди;
- системали ёндашув – қайта ишлаш режими боғхона тизимидаги бошқа институтлар билан ўзаро боғлиқликда ўрганилди;

• норматив-ҳуқуқий таҳлил – Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, Президент фармонлари ва халқаро конвенция меъёрлари ўртасидаги уйғунлик даражаси ўрганилди.

Тадқиқотнинг дизайни асосан тадқиқот муаммосининг ечимини босқичма-босқич очиш режасига асосланган. Аввало, мавзудаги илмий адабиётлар ва халқаро манбалар таҳлил қилинди, сўнг миллий амалий ҳолат ўрганилди ва яқунда умумий ҳулосалар ҳамда таклифлар ишлаб чиқилди.


Таҳлил ва натижалар

Тадқиқот методологиясида белгиланган таҳлилий, муқоёсли ва статистик усуллар асосида олинган маълумотлар қайта ишлаш режимининг амалий самарадорлиги ва иқтисодий аҳамиятини очиб берди.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш режими — хорижий хомашё ва материалларни божхона божлари ҳамда солиқлардан шартли озод этган ҳолда мамлакатга вақтинчалик олиб кириш, уларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш ёки ички бозорга чиқариш имконини беради. Бу жараёнда товарларни идентификация қилиш, чиқиш нормасини белгилаш, божхона тўловларини кафолатлаш ва рухсатнома тизими муҳим рол ўйнайди.


Тадқиқот натижаларига кўра, мазкур талаблар давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, тадбиркорлик субъектларига ҳам аниқ ҳуқуқий кафолатлар яратади. Шунингдек, у ноқонуний савдо фаолиятини олдини олиш ва миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади [14].

Bojxona hududida qayta ishlash rejimida tovarlar hajmi (2019–2023)



1- расм

Qayta ishlash rejimi bo'yicha ruxsatnomalar soni (2019–2023)



2- расм

Чизиқли график – 2019–2023 йилларда қайта ишлаш режимида олиб кирилган хомашё ва маҳсулот экспорти ҳажмининг ўсишини кўрсатади [7] (1-расм).

Усутунли график – шу даврдаги рухсатномалар сонининг динамикасини тасвирлайди [8] (2-расм).

Миллий ҳуқуқий асослар ва ислохотлар. Ўзбекистонда қайта ишлаш режимининг ҳуқуқий асослари Божхона кодексига [2] мустаҳкамланган бўлиб, унда товарларни қайта ишлаш учун олиб кириш тартиби, рухсатномалар, муддатлар ва назорат механизмлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, кейинги йилларда қабул қилинган Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари [4] ушбу режимни янада такомиллаштирди. Масалан, тадбиркорларга маҳсулот чиқиш нормасини мустақил ишлаб чиқиш имконияти берилди, қайта ишлаш операциялари рўйхати

кенгайтирилди, хорижий буюртмачисиз ҳам қайта ишлашга рухсат берилди. Техник регламент ва санитария тасдиқлари талаби бекор қилинди, чиқиндиларга божхона божи ундирилмайдиган тартиб жорий этилди. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун божхона тўловларини кафолатлаш мажбурияти бекор қилиниши тадбиркорлик фаолиятини енгиллаштирди. Натижада қайта ишлаш режими нафақат иқтисодий самарадорликни оширди, балки давлат ва бизнес ўртасида ишончли ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Иқтисодий аҳамияти. Қайта ишлаш режими мамлакат иқтисодиёти учун бир нечта устувор афзалликларни беради:

хорижий хомашё ва материаллардан арзон нархларда фойдаланиш имконини яратади;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширади;

қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиради;

янги иш ўринларини яратади ва саноатни модернизация қилади;

халқаро савдо тизимига интеграцияни кучайтиради.

Шу билан бирга, айрим нормаларни тўлиқ татбиқ этиш зарурати сақланиб қолмоқда. Жумладан, қайта ишлаш муддатларини янада аниқ белгилаш, идентификация талабларини стандартлаштириш ва чиқиш нормативларини такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир. Бошқа давлатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, ушбу жиҳатларни мукамаллаштириш режимнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

Хулоса ва таклифлар

Олинган натижалар шунини кўрсатадики, қайта ишлаш режими мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. У ишлаб чиқариш занжирларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва инвестицион муҳитни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Қайта ишлаш муддатлари ва идентификация талабларини стандартлаштиришда божхона органларида ягона электрон идентификация тизимини жорий этиш тавсия этилади.

1. Рухсатнома бериш жараёнини рақамлаштириш орқали тадбиркорлар учун рухсат олишни “Paperless Customs” электрон платформаси орқали амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш лозим;

2. Экспортни рағбатлантириш чораларини кучайтириш орқали қайта ишланган маҳсулотлар экспорти учун солиқ ва кредит имтиёзлари бериш мақсадга мувофиқ;

3. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали Киото конвенцияси ва БСТ талабларига мувофиқ қўшма лойиҳалар ва тажриба алмашувини ташкил этиш зарур;

4. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш орқали божхона қўмитаси ҳузурида “Қайта ишлаш салоҳияти маркази”ни ташкил этиш орқали ушбу соҳада илмий таҳлил ва консалтинг хизматларини йўлга қўйиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bojxona tartib-taomillarini soddalashtirish va uyg'unlashtirish to'g'risidagi xalqaro konvensiya (Kioto, 1973-yil, 1999-yilgi o'zgartirishlar bilan).

2. O'zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksi, 2016-yil 20-yanvar.

3. O'zbekiston Respublikasida tashqi savdo va bojxona sohasida qabul qilingan Prezident farmonlari va Hukumat qarorlari (2020–2024-yillar).

4. O‘zbekiston Respublikasi Bojxona qo‘mitasi hujjatlari va me‘yoriy yo‘riqnomalari..
5. State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. Rasmiy statistika, eksport-import, tashqi savdo aylanmasi kabi ma‘lumotlar beriladi. [Torgovaya Administratsiya+1](#)
6. GlobalEDGE(Savdo tuzilmasi, asosiy eksport-import tovarlari va partner davlatlar ma‘lumotlari.)globaledge.msu.edu
7. stat.uz (O‘zbekistonning tashqi savdo aylanishi, eksport va import ma‘lumotlari, har chorak/oy bo‘yicha statistik hujjatlar.)
8. OECD. Implementation of the WTO TFA: Impact on Trade Costs. — OECD, oecd.org/tfa
9. UNCTAD. World Investment Report 2023. — United Nations. unctad.org/wir2023
10. World Bank. Doing Business 2020. Washington, DC. worldbank.org/db2020
11. Grainger, A. Trade Facilitation: A Conceptual Review. — Journal of World Trade, 2011. ssrn.com/2177019
12. Qodirov, Sh. O‘zbekiston bojxona tizimini rivojlantirish istiqbollari. — “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” jurnali, 2022. iqtisodiyot.uz
13. UNESCAP. Paperless Trade Implementation Survey 2021. unescap.org/tfs2021